

2022 йил « 21 » январь

Урганч шаҳар

«XORAZM GAZ METAN» МЧЖ масъулияти чекланган жамияти (кейинги бандларда «Маҳсулот етказиб берувчи»), номидан, жамият Низомига асосан иш юритувчи жамият директори Шарипбаев Б. Р. бир томондан,

Хоразм вилояти СЭО ва ЖСХБошқармасининг Урганч шаҳар « _____ булимни _____ » (кейинги бандларда «Истеъмолчи») номидан,

УСТАВ Низомига асосан иш юритувчи Раҳбар: А.С.Исмаилов иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи» нинг автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдиришни, «Истеъмолчи» эса ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига оладилар.

1.2. «Истеъмолчи» сиқилган табиий газни олиши қуйидагича тақсимланди.

| Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Жами 2022 йилда | шундан: | | | |
|---|----------------|-----------------|---------|----------|-----------|----------|
| | | | I-чорак | II-чорак | III-чорак | IV-чорак |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Газобаллонли а/м учун сиқилган табиий газ | м ³ | 3 850 | 962 | 962 | 963 | 963 |

1.3. «Истеъмолчи» автотранспорти сиқилган табиий газ билан тўлдирилган кун газ тўлдирилган сана ҳисобланади.

II. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 10 010 000 (УН МИЛЛИОН УН МИНГ) сўм бўлиб, хом-ашёлар, моддий бойликлар, ёқилги-энергетика ресурслари баҳоси ўзгарганда ва Ўзбекистон Республикаси қонунилари, қарорлари ва норматив актларига асосан ўзгариши мумкин.

2.2. Сиқилган табиий газ 1 м.куб баҳоси қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда 2 600 сўм ни ташкил қилади.

2.3. «Истеъмолчи» автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдириш «Маҳсулот етказиб берувчи» нинг банкдаги ҳисоб рақамига 30% тўлов ўтказилгандан кейин «Маҳсулот етказиб берувчи»га тўлов ҳужжатларининг нусхалари ҳамда газ олиш учун ишончномани тақдим қилади. «Маҳсулот етказиб берувчи» унинг банкдаги ҳисоб варағига пул маблағлари келиб тушганлигини текшириб, ишончномада «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг бухгалтерияси ва маркетинг бўлими томонидан пул маблағлари ҳамда лимитлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд қилинади ва шу асосида газ бериш учун уч нусхада рухсатнома расмийлаштирилади.

Рухсатноманинг биринчи нусхаси «Маҳсулот етказиб берувчи»да, иккинчи нусхаси эса «Истеъмолчи»да қолади. учинчи нусхаси «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ёнилги қуйиш шохобчасига тақдим қилинади ва белгиланган шаклдаги тарқатиш ведомости (раздаточная ведомость) бўйича амалга оширилади.

«Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ёнилги қуйиш шохобчаси масъул ходимлари томонидан ой якуни билан ҳар бир истеъмолчи учун тузилган тарқатиш ведомостини якуний ҳисоб-китобини тузган ҳолда бухгалтерияга тақдим қилади ва тегишли тартибда бухгалтерия томонидан ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10-санага қадар ҳисоб-варақ фактуралар орқали «Истеъмолчи»лар билан ҳисоб-китобларни амалга оширади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. «Истеъмолчи» ГБУ (газобаллонли ускуна ГБО) билан жихозланган автотранспортларининг техник ҳолати ва техника хавфсизлиги, ёнги хавфсизлиги, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:

а) ГБУ ўрнатилган автотранспортларни ва сиқилган табиий газдан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги тартиблар, техник ҳолатлар, кўрсатмалар ва қарорларини бажариш.

б) ГБУ ни ва автотранспортларини техник соз ҳолатда сақлаш.

в) Йўл варақасида автотранспортнинг техник созлиги ҳақида белги қўйиш, баллонлар сони ва геометрик ҳажми тўғрисида маълумотларни кўрсатиш;

г) Автотранспорти сиқилган табиий газ билан тўлдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш;

д) Баллонларининг умумий сони ва геометрик ҳажми (+,-) 0,5 аннқликда авто-транспорт техпаспортида (маҳсус вкладышь) ёзиб қўйиш.

3.3. «Маҳсулот етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган табиий газ билан таъминлаш ва қабул қилишни ой давомида бир маромда, бир кунлик ўртача газ ҳажми миқдоридан амалга оширадилар.

«Маҳсулот етказиб берувчи» АГТКШ да жорий ва капитал таъмир ишлари бошланган тақдирда «Истеъмолчи» ни 3 кун олдин, ишга тушишидан 15 кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «Маҳсулот етказиб берувчи» мажбуриятлари:

а). газ ускуналарида тўғри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-ўлчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари созилини текширади.

б). «Истеъмолчи» («Истеъмолчи» вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тўлдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан автотранспорт воситаларига сикилган табиий газ тўлдириш тўхтатилади.

IV. СИҚИЛГАН ГАЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» автотранспорти тўлдирилган сикилган табиий газ ҳажми «Маҳсулот етказиб берувчи» нинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади, «Узнефтегаз» МХК томонидан 28.11.1995 йилда тасдиқланган 51-034-94 «Методики выполнения измерений расчета объема отпускаемого газа на АГНКС Рес.Уз.» (Давстандарт да тасдиқланган (рег. 418 I 13.01.1995 г.) ва АГНКС да автотранспортларни сикилган табиий газ билан тўлдиришда ҳажми аниқлаш жадвали».

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Сикилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада кўрсатилган ҳажмдан ошган тақдирда шунингдек, 2.1., 2.2. ва бошқа бандларига ўзгариш киритилган тақдирда кўшимча қелишув тузилади ёки жамият томонидан тасдиқланган буйруқ асосида «Истеъмолчи» га буйруқдан кўчирма (нусха) берган ҳолда киритилган ўзгаришларни тасдиқлайди.

5.2. Сикилган табиий газ учун тўловларни амалга ошириш мақсадида «Истеъмолчи» мол-мулкни гаровга қўйиш, қафиллик мажбуриятлари, «Истеъмолчи» қарзи эвазига мол мулки билан ҳисоблашиши нотариус томонидан тасдиқланган кўшимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

5.3. Томонлар мазкур шартномада белгиланган шартларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

VI. ФОРС МАЖОР

6.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги ҳолатларда газ тўлдириш ва қабул қилиш ҳажмини камайтирганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди:

а). газ казиб чиқариш конларида, магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида қутилмаган авария ҳолатлари содир бўлганда;

б). магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида наватдаги жорий ва капитал таъмир ишлари, синовлар ўтказилганда ва пайвалдлаш ишлари даврида.

VII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Маҳсулот етказиб берувчи» да, бир нусхаси «Истеъмолчи» да сақланади ва бир хил аҳамиятга ҳамда бир хил қучга эга.

Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича саволларни томонлар амалдаги қонулар, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 23 январда № 2072-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилги қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сикилган табиий газни бериш қондарини тасдиқлаш ҳақида»ги ҳужжатлари ёрдамида ҳал қилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартнома бўйича низолар Иқтисодий судда, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунарида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Маҳсулот етказиб берувчи»

«XORAZM GAZ METAN» МЧЖ

Манзил: Урганч шаҳар Янгиарик кучаси 114/1

АГТКШ манзили: Урганч ш. Янгиарик к. 114/1

Телефон: (+99897) 510-70-70

X/p: 20208000904814536001

МФО: 01161 СТИР: 301210734

ИФУТ (ОКЭД): 47300

«Ханқор Банк» Хоразм минтақавий филиали

Шарипбаев Б. Р.

«Истеъмолчи»

Хоразм вилояти СЭО ва
«ЖСХБ» Бошқармасининг Урганч

Манзил: Урганч шаҳар Ўзбекистон овози кучаси 60-уй

Телефон: 93 753-78-10

X/p: 401422860334017074110054001

МФО: 00014 СТИР: 200413144

ИФУТ (ОКЭД): 71 200

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗИ

Раҳбар: А.С.Исмаилов



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ __

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: "Shartnoma № STG 3"

3. Loyiha mazmuni: "Xorazm Gaz Metan" MChJ direktori Sharifboyev B.R va SEO va JSX Urganch shahar bo'limi boshlig'i A.S.Ismailov o'rtasidagi shartnomasi.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: O'zbekiston Respublikasi sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmatining Xorazm viloyati boshqarmasi Urganch shahar bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil 28-yanvar kuni "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali Urganch shahar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi 29.08.1998-yildagi 670-I-son "Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:

2022-yil 18-yanvar



Sh.Razzaqov